


ISSN 0134-2231



# XALQ TA'LIMI

ilmiy-metodik jurnal

**2011/3**



**ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ**



**ХАЛҚ  
ТА'ЛИМИ**

ИЛМИЙ-МЕТОДИК ЖУРНАЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
Т.Н. ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА  
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

3-сон (Май—Июнь), 2011 йил

1918 йил декабрдан чиқа бошлаган

**ТАҲРИРИЯТ:**

**Холбой Ибрагимов**  
бош муҳаррир

**Шукурулло Мардонов**  
бош муҳаррир ўринбосари

**Нодира Авазова**  
масъул котиб

**ЖАМОАТЧИЛИК**

**КЕНГАШИ:**

**С. Аннамуратова,**  
**А. Долимов,**  
**Х. Ибрагимов,**  
**Ж. Мусаев,**  
**И. Отамуродов,**  
**Р. Сафарова,**  
**Э. Турдиқулов,**  
**С. Тургунов,**  
**Н. Эгамбергиева,**  
**М. Қуронов.**

Журнал ЎзМАА томонидан 2007  
йил 3 январда қайтадан рўйхатга  
олиниб, 0104-рақамли гувоҳнома  
берилган.

Журналга келган мақолаларга жавоб  
қайтарилмайдди, журналда эълон қилинган  
мақолалардан олинган парчалар «Халқ  
таълими» журналичан олинди, деб  
кўрсатилиши шарт.

Мақолаларда келтирилган маълумот-  
ларнинг тўғрилигига муаллифлар  
жавобгардир.

Маъзиларимиз: 100027. Тошкент шаҳри,  
Ўзбекистон кўчаси, 98.  
E-mail: [xalq\\_talimi@mail.ru](mailto:xalq_talimi@mail.ru)  
Тел: 245-44-60.

Журнал таҳририятнинг компьютер  
бўлимида терилиб, саҳифаланди. Босишга  
берилди: 15.06.2011 й. Қоғоз бичими:  
70x100<sup>1/16</sup>. Офсет босма усул. Шартан б.т.  
12. Адади 10866 нусха. 1610-булортма.

<b>А. ЗИЁВ.</b> Фанлараро интеграция ўқувчиларда фуқаролик туйғусини тарбиялашнинг муҳим омили.....	78
<b>Ш.НУРУЛЛАЕВА.</b> Бўлажак ўқитувчиларда педагогик маҳоратини шакллантириш методикаси.....	81
<b>З. АҲМЕДОВА, М.МАНСУРОВ.</b> Компьютер тизимига асосланган интерфаол ўқув қўлланмаларни яратиш методикаси ҳақида.....	85
<b>Д.АБРАЛОВА.</b> Олий таълим тизимида замонавий менежернинг раҳбарлик қилиш услублари.....	89
<b>Б.МУНАЙДАРОВА.</b> Влияние интерактивного метода обучения на развитие личности.....	91
<i>Мулоқот ва рафқ — мислини қилади</i>	
<b>Р.МУСУРМОНОВ, Н.МУСУЛМОНОВА.</b> Ўқитувчи касб маҳоратининг интеллектуал имкониятлари.....	95
<b>Н.АТАЕВА.</b> Педагог кадрларни таёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммолари.....	98
<b>А.АБДУЛЛАЕВ.</b> Формирование здорового образа жизни у школьников на основе использования народных игр.....	102
<i>Ҳуқуқий тарбия</i>	
<b>О.ПИРМАТОВА.</b> Эртақлардаги мажозий образлар орқали болаларда инсоний фазилатларни шакллантириш.....	105
<b>Ф.Х.ИБРАГИМОВА.</b> Содержание профессионального совершенствования будущих учителей английского языка формированием интереса к культуре Англии.....	110
<i>Ма'naviyat</i>	
<b>Р.М. МАХМУДОВ.</b> Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асоси сифатида.....	113
<i>Психология</i>	
<b>Н.Т.ТOSHEVA.</b> Ta'lim tizimida kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning maktab sharoitiga moslashtirishning psixologik muammolari.....	119
<b>Б.СИРАИБОЕВА.</b> Ахборот хавфининг ижтимоий-педагогик моҳияти.....	121
<i>Педагогик тажриба</i>	
<b>А.Г'.NORBOEV.</b> "O'zbekiston tabiiy geografiyasi" kursini o'qitishda o'quvchilarda suvga oid tushunchalarni shakllantirish.....	125
<b>Ҳ.ИНАТОВ, Б.АХМЕДОВ, Р.АБДУЛЛАЕВ.</b> Амалий тажрибалар ўтказиш йўли билан ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш.....	129
<i>Махсус таълим</i>	
<b>А.ЭЛИБОЕВА.</b> Ўзлаштириш муаммосининг дидактик таҳлили.....	132
<i>Хорижий таълим</i>	
<b>М.А.БЕКЕЖАНОВ.</b> Организация и проведение соревнований по национальным подвижным играм.....	137
<i>Yangi nashr</i>	
<b>L.ISROILOVA.</b> Mirzo Ulug'bek va uning "Zij" asari.....	142

внимание лидера группы сконцентрировано на межличностной и внутриличностной динамике, он, редко фокусируясь на проблемах группы, использует модель свободно развивающейся, самоактуализирующейся личности.

Сущность проводимого тренинга. его преимущества по сравнению с другими средствами воспитания и обучения. во-первых, отвечает потребностям участников, что нашло свое отражение в программе при выборе тем, наиболее волнующих юношей и девушек. Во-вторых, участие в тренинге не сковывает, подобно многим традиционным методам обучения, инициативу, а, наоборот, развивает ее. Это достигается благодаря использованию групповых дискуссий и ролевых игр. В-третьих, в тренинге уравниваются позиции тренера и участников.

Сказанное выше позволяет определить социально-психологический тренинг как совокупность активных групповых методов, направленных на развитие знаний и опыта общения. Результат тренинга во многом зависит от состава участников, от их отношения к занятиям, от складывающейся в группе эмоциональной атмосферы, развития межличностных отношений между участниками. Тренинг дает участникам возможность взглянуть на себя глазами других людей, лучше понять причины своих успехов и неудач, учит быть внимательным к окружающим людям, деятельным в решении собственных жизненных проблем. Все это, в конечном счете, способствует воспитанию нравственного и социально активного человека.

**БАРКАМОЛ АВЛОД — МИЛААТ КЕЛАЖАГИ**

### **ЎҚИТУВЧИ КАСБ МАҲОРАТИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИМКОНИАТЛАРИ**

*Раҳматилла МУСУРМОНОВ,  
ЎзПФИТИ к.и.х., п.ф.н.,  
Наргиза МУСУАМОНОВА,  
ҚДУ катта ўқитувчиси, ф.ф.н.*

Глобаллашув жараёнида замонавий таълимнинг олдида турган энг муҳим вазифа — ўқувчи шахсининг илм олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилганлигидир. Биз жамиятимиз учун кимни тарбиялашимиз керак? — деган савол замонавий педагогика, дидактика, фанларни ўқитиш методикаларининг бош масаласига айланмоғи лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқув жараёнини такомиллаштириш таълимнинг тарбиявий қудратини ошириш билан бевосита боғлиқ. Таълимнинг тарбиявий қудрати эса ўқитувчи шахси, унинг касбий ғоявий-ахлоқий фазилатлари, ташкилотчилиги, удабуронлиги билан узвий алоқадордир. Таълим ва тарбия жараёнининг бир бутунлигини

таъминламасдан туриб ўқувчиларга берилаётган маълумотлар сифатини яхшилаб бўлмайди. Тарбия берувчи таълим жараёнининг асосий ташкилотчиси бўлган ўқитувчи худди шунинг учун ҳам жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий куч, деб баҳоланиши ҳам бежиз эмас. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг сўзи билан амалий фаолияти ўртасида мутаносиблик бўлмаса, унда таълимнинг тарбиявий таъсири борган сари ўтмаслашиб бораверади.

Узлуксиз таълим тизимидаги ўқув жараёнида таълим олаётган ёшлар муаллимдан нафақат билимларни, балки ундан умуминсоний маданиятни ҳам ўрганиб боришлари лозим. Бошқача айтганда шахсни тарбиялаб бориш ҳаётий зарурат ҳисобланади. Минг афсуски, мактабларимизда ўқув жараёни билан шугулланаётган аксарият ўқитувчиларимизнинг умуминсоний маданиятининг саёзлиги кўзланган натижага эришишга тўсқинлик қиляпти.

Таълимнинг тарбиявий қудрати, тарбия берувчи билан тарбияланувчи орасидаги мулоқот маданиятига ҳам боғлиқ. Ҳар қандай таълим тизимида таълим беришнинг ҳар қандай қудратли восита ва технологиялари, ҳатто замонамизнинг энг нодир ҳисоблаш техникаси ҳисобланган — компьютерлар ҳам ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги жонли мулоқотга тенглаша олмайди. Бундай алоқасиз, жонли мулоқотсиз таълим бериш тизими яроқсиз, натижасиз бўлиб қолаверади.

Таълим-тарбия берувчи билан таълим ва тарбия олувчи орасидаги мулоқот энг аввало сабоқ олувчининг маънавий эҳтиёжи, истаги, орзу-умидлари, хоҳиши ва кайфияти, интеллектуал имкониятларига таяниши лозим. Шунинг учун ҳам, таълимнинг ташкилотчиси, ўздан сабоқ олаётган ҳар бир ўғил-қизнинг қандай шароитдаги оилада ўсиб-улғайиб келаётганлигини, оилавий тарбиясининг хусусиятларини зудлик билан билиб олиши зарур. Масалан, оилада ҳар доим янги чоп этилган китоб қаҳрамонининг ижтимоий қиёфаси, ёки кўнлик оммавий ахборот воситаларида босилган фалон мақолада кўтарилган муаммонинг долзарблиги ҳақида бот-бот гапириладиган оилада камол топган бола билан, хонадонда китоб, газета, журналлар анқонинг уруғи бўлган оилада ўсган боланинг интеллектуал имкониятлари, маданий савиясида катта фарқ бўлиши турган гап. Афсуски, собиқ совет тузуми мактабларида ўқувчилар ўртасидаги бундай кескин тафовутлар ҳисобга олинмасдан ҳаммага бир хил тошу-тарози қўйилди.

Таълимнинг тарбиявий қудратини белгилаб берувчи энг муҳим мезонлардан бири, узлуксиз таълим тизимини тугатиб мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит ва қизларнинг ҳалол, покиза меҳнат қилишга бўлган мойиллигидир.

Ўқувчиларда меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш билан бирга эл-юрт бойлигига, она табиатга чуқур ҳурмат руҳини барпо этиш, ўз-ўзини тафтиш, назорат қилиш, ўзининг кундалик фаолиятини тўғрилиқ, яхшилиқ, адолат, эл-юрт, жамият манфаатлари томон бура билиш, бошқара олиш малакасини тарбиялаш таълим бериш жараёнининг кечиктириб бўлмас долзарб вазифаларидан биридир.

Таълимнинг тарбиявий таъсири диапазонини ўқувчининг бўли вақтига кўчириш, унинг самарадорлигини ошириш узлуксиз таълим тизимининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлмоғи лозим. Дарсдан кейин амалга ошириладиган тарбиявий жараёни бошқармоқ учун унинг бошқарувчиси юксак профессионал билимга, тажриба ва малакага эга бўлмоғи лозим. Бундай масъулиятли мураккаб ижтимоий механизмни бошқаришни тарбия тизимини яхлит тасаввур қила олмайдиган, унинг структураси билмайдиган кишилар қўлига тошпириб қўйиб бўлмайди.

Масаланинг кўзга кўринмас иккинчи тарафи ҳам борки, тарбия билан шуғулланувчи ўша дипломли мутахассис олий педагогик таълим муассасаларида етарли тайёргарликка ва малакага эга бўлмаган бўлса-чи? Уларда замонавий талаблар асосида қомил инсонни тарбиялашдек, жамиятни узлуксиз ривожланишини таъминлашга йўналтирувчи, юксакликка етакловчи интеллектуал салоҳият бўлмаса, номтагина "мутахассис" бўлганларга тарбия жараёни билан шуғулланишга рухсат этмаслик мақсадга мувофиқдир.

Бутунги ўқитувчи чинакам инсонпарвар, гуманистик қиёфага, мустақил профессионал овозга эга бўлмоғи лозим. Унда энг аввало, шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятлар, туйғулар жамулжам бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам жамиятимиз ўқитувчига қатта умид боғламоқда.

Президентимиз И.Каримов ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида "Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч бир шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотираларимиздан айрилиб, охири-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин... Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ"<sup>1</sup>, деганида айни ҳақиқатни айтган эди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. И.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч", Тошкент: Маънавият, 2008 й.
2. А.Чориев, Ф.Қаноатова Таълим тизимининг интеллектуал қудрати. Тошкент: Меҳнат, 1992 й.
3. Р.Мусурмонов. Глобаллашув жараёнида ўқувчиларнинг илмий билиш фаолиятларини уйғунлаштириш омиллари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Қарши ш. "Насаф" нашриёти, 2008 й.